26

Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

31 4-йил чиқиши
ЯНВАРЬ 1969 й.
ЖУМА
№ 26 (790).
БАҲОСИ 2 ТИЙИН

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ ВА ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ЯНГИ МАҲСУЛОТЛАР

Тошкентлик упаэликчиларнинг маҳсулотларини Қозоғистон ва Ўрта Осиё республикалари меҳнаткашлари сезиб харид қилмоқдалар. Парфюмерия фабрикасининг «Чилонзор», «Феруза», «Салют» деб аталувчи атирлари чиндан ҳам ҳаммага манзур бўлянти. Бу маҳсулотлар Бутуниттифоқ халқ хўжалиги ютуқлари кўргазмасининг бронза медалини олишга сазовор бўлган. Бу атирларнинг ижодкорлари А. Ф. Иванов, Т. С. Багдасарянц, С. Е. Оғажонова, В. Терченколар пул мукофотини олишга муваффақ бўлишди.

Ҳозирги пайтда тошкентлик парфюмерчилар нхтиёрида 300 хилга яқин муатар исли моддалар бор. Улардан ранг-бараиг атирлар тайёрланади. Масалан «Ширин» атири ўн бир хил хушбўй нс таратади.

Шу кунларда корхонанинг А. Ф. Иванова раҳбарлик қилаётган эксперименталь лабораториясида тайёрланган «Сўғдиён» атирлар сарасини Ўзбекистон ССР савдо палатаси маъқуллади ва у Самарқанд шаҳрининг 2500 йиллик юбилейига ишлаб чиқарилади. Булардан ташқари, «Оқ олтин» деган юқори сифатли янги упа ҳам тайёрланмоқда.

Агар фабрикада йнгирма йил муқаддам бир кунда икки-уч флакон маҳсулот ишлаб чиқарилган бўлса, ҳозирги пайтда корхона конвейеридан 50 минг флакондан ортиқ маҳсулот тушмоқда.

АКТИВ ЙИҒИЛИШИ

Яқинда «Главташкентстрой»га қарашли 2-пардозлаш трести партия-хўжалик активи йиғилиши бўлиб ўтди. Йиғилишда трест бошқарувчиси вазифасини бажарувчи ўрток В. М. Марков «Коллективнинг 1968 йил иш натижалари ва 1969 йилдаги вазифалари» мавзуида доклад қилди.

Танқид ва ўз-ўзини танқид шиори остида ўтган партия-хўжалик активи йиғилишида беш йилликнинг тўртинчи йили топшириқларини муддатидан илгари бажариш ва улуғ доҳий В. И. Ленин туғилгач кунининг 100 йиллик байрами кунигача муносиб меҳнат совғалари тайёрлашга қаратилган социалистик мажбурият қабул қилинди.

ҚОР ЭРИШИГА ТАЙЁР ТУРАМИЗ!

● СЎНГГИ 69 ЙИЛ МОБАЙНИДА ОЛТИНЧИ МАРТА ШУНДАЙ ҚАҲРАТОН ҚИШ КЕЛДИ ● ҚОР ҚАЛИНЛИГИ 2 МЕТРГА ЕТДИ

● ДАРЁЛАРНИ ТОПОГРАФЛАР, ГЕОЛОГЛАР, ГИДРОЛОГЛАР НАЗОРАТ ҚИЛСИН!

● АРИҚ, КАНАЛЛАР ВА ҚУРИЛИШ ЗОВУРЛАРИНИ ТОЗАЛАШ БИРИНЧИ НАВБАТДАГИ ВАЗИФАДИР

● ҲАР КИМ ҚОР ЭРУВГАРЧИЛИГИНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШГА ЎЗ ҲИССАСИНИ ҚЎШИШИ МУМКИН.

Синоптикларнинг хабар беришларига кўра, февраль ойида шаҳримизда биринчи беш кунликдагина совуқ бўлади. Ойнинг охирига бориб, 20 даражагача иссиқ бўлади. Бу ҳам қувонарли ҳам ташвишлидир.

Совуқ ,оғир кийимлар ва муз жонга текканидан бу хабарни эшитиб хурсанд бўлсак, қорлар эригач, сув тошқини бўлиши мумкинлиги ташвишга солади. Чунки тоғларда ҳозиринг ўзидаёқ қорнинг қалинлиги 2—2,5 метрга етди. Бу шаҳар учун хавфлими?

Маълумки, Тошкент тоғ ён бағрида жойлашган ва эриган сувлар дарёлар ва каналлардан келиб, пастликларни босиб кетиши, шу сабабли бахтсиз ҳодисалар ва авариялар юз бериши мумкин.

Бу йил шаҳримиз учун одатдан ташқари келди. Илгари ҳам, масалан, 1900, 1904, 1930, 1946 ва 1956 йилларда ҳарорат бу йилги каби пасайган, ёнингарчилик кўп бўлган. Лекин узоқ муддат совуқ бўлиши ва қорнинг эримай туриб қолиши сўнгги 69 йил ичида биринчи марта бўлмоқда.

— Шунинг учун ҳам эҳтимол тутилган сув тошқинига тайёр туриш жуда муҳимдир,— деди кеча бўлиб ўтган министрликлар, район партия комитетлари, район ижроия комитетлари ходимлари, корхоналар раҳбарларининг шаҳар активида сўзлаган Ўзбекистон ССР Министрлар Совети раисининг ўринбосари Г. Габриэльянц.

— Табиатнинг ҳар қандай ниҳоқлиги ва тасодифига тайёр бўлиб туриш керак. Ҳозирги кунда кўрилаётган фавқулодда чоралар бундай ҳолларда қилинадиган эҳтиётқорликдан бошқа нарса эмас. Балки, баҳор совуқ келиб, эриган қорлар суви Чирчиқ, Сирдарёдан тинчгина оқиб кетар. Лекин ҳар қандай тасодифларга тайёр туриш керак.

Топографлар, геологлар, гидрологлар, метеорологлар ҳозир вертолётларда тоғларни кузатмоқдалар, Чирчиқ дарёсини, Чорвоқ сув омборини текширмоқдалар. Писқент ва Амударёни кузатмоқдалар, қор кўчкилари бўладиган жойларни аниқламоқдалар, аҳоли яшайдиган пунктларнинг хавфсизлигини таъминлаш учун тадбирлар комплексини ишлаб чиқмоқдалар.

Гидрологик кузатишларни кучайтириш, Чирчиқ дарёсидаги шлюзларни сувни эски ўзанига оқизишга тайёрлаш, тўғонлар қуриш, саноат корхоналари чиқинди сувларини ташлайдиган жойларни текшириш ана шундай тадбирлардандир.

Граждан авиацияси, бульдозерлар, скреперлар ва бошқа механизмларни дарёларнинг макр ишлатишига шай қилиб қўйиш керак.

Лекин бу тегишли министрликлар, идоралар, ирригация ва гидротехника иншоотлари бошқармаси ҳамда корхоналар раҳбарларининг ишидир.

Уй-жойлардан фойдаланиш идоралари, район ижроия комитетлари, аҳоли қандай ёрдам бериши мумкин?

КАНАЛЛАР ВА АРИҚЛАРНИ ЯХШИЛАБ ТОЗАЛАШ АСОСИЙ ВА БИРИНЧИ ДАРАЖАЛИ ВАЗИФАДИР. ҚОРНИНГ БИРДАН ЭРИБ КЕТИШИ ВА ЁҒИНГАРЧИЛИК ҲОЛЛАРИНИ КЎЗДА ТУТИБ, АРИҚЛАРВА КАНАЛЛАРНИ ЯХШИЛАБ ТОЗАЛАБ ҚЎЙИШ КЕРАК. ШАҲАРНИНГ БАРЧА ИРРИГАЦИЯ ТАРМОҚЛАРИ ҚОР ЭРИШИГА ТАЙЁР ҚИЛИБ ҚЎЙИЛСИН. ШУНИНГДЕК, ПАСТЛИК ЖОЙЛАРДАГИ ҚОРЛАРНИ ОЛИБ ЧИҚИБ ТАШЛАШ КЕРАК.

Ирригация тармоқларининг тозалигини контроль қилиш шаҳар санитария-эпидемия станциясига ва милициянинг санитария назорати бўйича махсус отрядига топширилди.

Бироқ бу шаҳарликлар зиммасидаги масъулиятни соқит қилмайди, шаҳар хавфсизлиги ҳозирги кунда уларнинг ўзларига боғлиқ. Ариқларни қор билан қўмиб юбормасдан, уни қордан тозалаш, кўчаларни, йўлкаларни, ҳовлиларни, ирригация тармоқларини қордан тозалаб, тартибли сақлаш зарур.

Қорни тозалаш нақадар зарурлигини рақамларнинг ўзи ҳам кўрсатиб турипти. Шаҳримизнинг ҳар гектар майдонида қор сифатида 840 кубометр сув ётипти. Бинобарин, шаҳримизнинг майдони 20 минг гектар экан, бу ерда бундан буён тушадиган ёғиннн ҳисобга олмаганда ҳам 16 миллион кубометрдан зиёд сув бор. Бу сувлар қаёққа оқиб кетиши керак? Ариқлар ва каналлар ўрнига бу сув йўлдан ва тротуарлардан оқадиган бўлса, шаҳримиз кўлга айланиб кетади-ку. Бу тақдирда шаҳар кўчаларидан юриб бўладими! Худди шу сабабли идоралар, муассасалар, ташкилотлар, корхоналар, ўқув юртлари, уй-жойлардан фойдаланиш идоралари зиммасига катта масъулият тушади. Чунки, ана шу корхона ва муассасаларга, ўқув юртларига шаҳарни қордан тозалаш каби улкан вазифа юклатилган. Бу муҳим жамоат ишига инженердан тортиб фаррошгача, студентдан тортиб мактаб ўқувчиларигача, врачлар-у, ўқитувчиларгача жалб этиш муҳимдир.

Бугунги кунда шаҳримиз зарбдор меҳнат майдонидир. Ўнлаб, юзлаб, минглаб кишиларнинг ғайрати бирлашиб қор ҳужумини қайтара олади.

Ҳамма қорга қарши курашга! Ирригация тармоқларини тозалашга, қорни чиқариб ташлаш, барча техникани тайёр ҳолга келтиришга!

Қор уюмларига қарши кураш билан боғланган барча масалалар тез ва оператив ҳал қилинмоғи керак, каналлар ва ариқларни тозалашнигина эмас, шаҳримиздаги пастлик жойларни, Бўзсув, Қорасув, Салор каналлари бўйида жойлашган уйлар атрофини тозалашни мунтазам контрол қилиб бормоқ лозим.

Ҳамшаҳарларимизнинг куч-қудрати ва ғайрати етарли. Ҳамма ишга!

Сессия охирлаб қолди

Низомий номидаги педагогика институтида доҳий В. И. Ленин туғилган кунининг 100 йиллиги шарафига очилган энг яхши улгурувчи комсомоллар группаси учун конкурс муваффақиятли ўтяпти.

Педагогика факультетининг 3-курсидаги бир группа талабалар она тили методикасини ёппасига юқори баҳога топширдилар. 20 студентдан 12 киши «беш» саккиз студент «тўрт» баҳо олди.

Ўзбек тили ва адабиёти группасининг учинчи курс талабаларидан 26 студент сиёсий иқтисод фанини юқори баҳоларга топширди. Улардан 9 студент «беш» ва қолганлари «тўрт» баҳо олдилар...

Ҳадемай, сессиялар тугайди. Ҳозирги кунда студентлар қишки каникулни мазмунли ўтказиш учун ҳаракат қилишмоқда. Индинга каникул бошланади. Шунда аълочи студентлардан 100 киши Москвага, 50 студент Самарқандга, Бухорога дам олгани йўл олишади. Бир юз эллик студент Чимёндаги спорт базасига бориб ҳордиқ чиқаради.



Шу кунларда Тошкентда бир группа қардош озарбайжонлик пахтакор механизаторлар меҳмон бўлиб турибдилар. Улар «Ташсельмаш» заводида ишлаб чиқарилаётган тўрт қаторлилнги «Ўзбекистон» пахта териш машиналарини ўрганмоқдалар.

СУРАТДА: озарбайжонлик механизаторлар «Ташсельмаш» заводининг янчик йиғув конвейери билан танишаётирлар.

И. Душкин фотоси (ЎзТАГ).



СУРАТДА: Ленин номли якка буюртмалар тикиш фабрикаси 24-тикув пунктининг ёш чевари Маъфура Қаюмова.

М. Нуридинов фотоси.

МАҲАЛЛА КЛУБИДА

Киров районидаги 1 кварткомга қарашли маҳалла клуби маҳалла отахонлари, онахонлари билан гавжум. Йиғилганлар ўз депутатлари билан учрашгани келишган.

Район Советининг депутати, медицина фанлари доктори, профессор Абдураҳим Обидов сайловчиларга қилинган ишлар ҳақида ҳисоб берди.

Учрашувда А. Обидов СССРда медицина фани ютуқлари ва чет элларда медицина хизмати ҳақида жонли мисоллар билан сўзлаб берди.

АТЕИСТИК КЕЧА

Яқинда 1-пойафзал фабрикаси маданият саройи дирекцияси Фрунзе район «Билим» жамияти билан ҳамкорликда фабриканинг ремонт-дурадгорлик цехида атеистик кеча ўтказди.

● Ўзбекистон КП шаҳар комитетида

В. И. ЛЕНИН НАЗАРИЙ МЕРОСИНИ ЧУҚУР ЎРГАНАЙЛИК

«Компрессор» заводи партия бюроси КПСС Марказий Комитетининг «Владимир Ильич Ленин туғилган кунининг 100 йиллигига тайёргарлик ҳақида»ги қарорини амалга ошира бориб, ленинча назарий меросни пропаганда қилиш, коммунистик қурилиш назарияси ва практикасининг ҳозирги босқичдаги аҳволи ҳақидаги масалаларни ўрганиш соҳасида бир мунча ишлар қилди. Заводда В. И. Ленин туғилган кунининг 100 йиллигини нишонлашга тайёргарлик кўриш режалари ишлаб чиқилди, доҳий юбилейини муносиб кутиб олиш мақсадида социалистик мажбуриятлар белгиланди.

Завод коммунистлари Ленин назарий меросини партия ўқиши системасида ўрганадилар. Бу ерда 173 коммунист ва партия аъзолигига кандидат ўқийди. 7 коммунист В. И. Ленин асарларини марксизм-ленинизм университетида, 14 киши эса олий ўқув юртлари ва техникумларда ўрганмоқда. Ленинининг айрим асарлари программа материали сифатида муntазам ўрганилмоқда. Бу ўқув йили В. И. Ленин асарларини ўрганиш КПСС Марказий Комитетининг партия ўқуви системаларига юборган тавсияномаларига амал қилинган ҳолда олиб борилмоқда.

Завод партия бюроси Ленин назарий меросини оммавий тарзда ҳам пропаганда қилмоқда. Корхонада Ленин лекторийси ишлайди. Цех ва бўлимларда «В. И. Ленин — янги дунёнинг отаси ва қурувчиси», «Советлар мамлакатининг ёшлари—буюк Ленин ғояларининг ворисларидирлар» деган мавзуларда лекция, доклад ва суҳбатлар ўтказилмоқда.

Ленин бурчакларида доҳийнинг ўз асарлари ва унинг ҳақидаги асарлар бор. Корхона раҳбарлари—коммунистлар Ленин ва унинг асарлари ҳақида лекциялар ишлаб чиқмоқдалар. Ушбу ўқув йилида коммунистлар индивидуал план бўйича Ленининг «Совет ҳокимиятининг навбатдаги вазифалари», «Нима қилмоқ керак?». «Материализм ва империокритицизм» деган асарларини ўрганадилар.

Партия ташкилоти Ленин назарий ва ғоявий меросини ўрганишда кўргазмали агитациядан ҳам яхши фойдаланмоқда. Ленининг сўзларн ёзилган шиорлар чиқарилмоқда. Доҳий юбилейини муносиб кутиб олишга бағишлаб деворий газеталар, фотовитриналар муntазам чиқариб турилибди. Кўпчилик коммунистлар Ленин асарлари мавжуд бўлган шахсий кутубхоналарга эга.

Шаҳар партия комитети бюроси «Компрессор» заводида Ленин назарий меросини ўрганиш соҳасидаги ютуқларини таъкидлаш билан бирга, бу борада йўл қўйилаётган бир мунча камчиликларни ҳам кўрсатди.

Доҳий асарларини ўрганишда бирдек яхши иш қилинаётир деб бўлмайди. Сиёсий билим асослари мактабларининг пропагандистлари, Ленин асарларини ўрганаётган коммунистлар мукаммал план тузиб чиқмаганлар. Завод кутубхонасида сиёсий адабиёт, шуниигдек, Владимир Ильич Ленин асарлари, доҳий ҳақидаги хотира китоблар етарли эмас. Ленин лекторийси иш плани ҳам ишлаб чиқилмаган.

Тошкент шаҳар партия комитети бюроси «Компрессор» заводида В. И. Ленин назарий меросини ўрганиш бўйича тадбирлар белгиланди.

ҚОР ТАШИБ ЧИҚАРИЛМОҚДА

Бугун шаҳар кўчаларида «Автодормеханз» шаҳар трестининг 30 автомашинасидан ташқари турли ташкилотларнинг 140 тозалаш механизмлари ишламоқда. Сув сепиш машиналари қор йиғишга мослаштирилган. Уларнинг ёрдамида қор уюмлари йиғиштириб олинмоқда.

Ҳар куни 350 автомашина қорни шаҳар ташқарисига ташимоқда. Ҳар бир автомеханик ўзига биркитилган участкани суткасига икки марта қарайди.

БЕҒАМЛИК

Биз экскаватор ремонти заводига қўнғироқ қилиб, корхона директори Кэрицкийдан корхона коллективи қорни тозалашга қандай ҳисса қўшаётганлигини сўрадик.

— Завод территорияси ва йўлкалар қордан тозаланди,— дейди у.

— Қорни ташиб чиқардингизми?

— Йўқ. Дарахтзорлар территориясига уйиб қўйдик. Ер сувга қонсин.

Бу ерда нотўғри иш қилишибди. Қорни бир жойга тўпламасдан шаҳар ташқарисига чиқариб ташлаш зарур.

— Завод территорияси яқинидаги майдонларни тозалаш иши қандай кетмоқда?

— Бунинг бизга нима даҳли бор? У ерда шаҳар ташкилотлари ишлайди.

Биз корхона бошлиғининг гапини эшитиб, унинг бегамлигидан ҳайратландик.

Ҳамманинг вазифаси

Шу кунларда Фрунзе районининг Полвонарик, Абдулла Авлоний маҳалла комитетларининг минглаб аҳолиси қорни курашга чиқди. Улар йўлкалар, йўллар, жамоат ҳовлиларини тўла қордан тозалашди.

МАХСУС БРИГАДА

Узбекистон ССР Алоқа министрлиги саноат корхоналари бош бошқармаси алоқа заводининг коллективи қишнинг биринчи кунлариданоқ қорни бартараф қилишга киришганди. Ҳозир махсус бригада томлардаги қорларни кураб, йўлкалар ва канализацион қудуқларни очмоқда.

Бугун бригада аъзолари завод территориясидаги қорни шаҳар ташқарисида ташиб чиқади. Шанба, якшанба кунлари ҳам бу ишлар давом этади.

ЯНГИ БУҒ ҚОЗОНЛАРИ

«Рисовая» даҳасининг Лисунов кўчасидаги авиация заводига қарашли иситиш маркази кутилмаган қатиқ совуқларга қарамай самолётсозларнинг уйларида иссиқликни деярли нормал сақлаб турди. Фақат уларга иссиқ сув бериш вақтинча тўхтатиб қўйилган эди. Яқиндан бошлаб, янги қувват ишга тушгандан кейин иссиқ сув ҳам кела бошлади.

Даҳада кундан-кунга турар-жой бинолари сони ортиб бораётганлиги сабабли завод маъмурияти кичкинагина аҳоли пунктини иситишга мўлжалланган бу марказни реконструкция қилиб лойиҳасини ишлаб чиқди. Лойиҳага биноан иситиш қозонларининг қуввати соатига 120—130 тонна сувни буғлатаоладиган даражага етади.

Завод қурувчи ва ишчилари янги қўшимча бинолар қуриш ва қозонларни ўрнатиш ишларини қисқа муддатда бажаришди. Улар ҳар бири 6,5 тонналик учта буғ қозонини монтаж қилиб ишга туширдилар. 20 тонналик янги қувватнинг ишга туширилиши уйларни нормал иситиш ва иссиқ сув билан таъминлаш имконини беради.

Бундан ташқари яна тўртта 20 тонналик буғ қозонларни монтаж қилиниб, улардан иккитаси синовдан ўтказилди.

БИР ЁҚАДАН БОШ ЧИҚАРИБ

Бу йилги қиш жуда бошқача бўлапти. Маҳалламизда иситкомат қилувчи отахонлар ҳам бунчалик қалин қор ванчадан бери ёғмаганлигини айтишяпти.

Билишимча, шу йилнинг январь ойи ўзидагина ёққан қор илгарилари 3 йил ёққан қорга тенг келар экан. Ана шунинг ўзи ҳам ҳар биримиздан кўчаларни қордан тозалаш, маҳаллалардаги ариқларни очишни талаб қилади. Чунки, ҳаво бироз илиш билан ҳовли, кўчаларда кўлоб сувлар пайдо бўлади. Ана шунга йўл қўймаслик мақсадида бир ёқадан бош чиқариб халқ ҳашарини уюштирмоқчимиз керак.

Маҳалламизда нимажки иш бўлса кўпчилик аҳолининг ўзи бажаради. Шундай экан, қишлоқ-қировли кунларда бемалол ўтириш инсофдан эмас. Ҳаммамиз маҳаллага қўроплар—белкуракларни олиб чиқиб, унинг территориясини қордан тозалаш, йўлкалар очиш ариқларни очишни мўлжаллаяпмиз. Тошкентликлар ҳар қандай қийинчиликни мардонавор енгишган. Шундай экан бу галда ҳам уюшқоқлик кўрсатишимиз лозим. Биз маҳалламизда шанба ва якшанбаликлар ўтказишга қарор қилдик. Ҳаммамиз ўз территориямизни қордан тозалашда қатнашсак, бу уюм-уюм қорларни йўқотиш демакдир.

Ҳошим АЛИМОВ,
Октябрь районидаги «Илғор» маҳалла комитетининг раиси.

Пропагандистларимиз

ТАРҒИБОТЧИ

Январнинг қорли кунларидан бирида Ўрта Чирчиқ район Куйбишев номидаги колхоз маркази жойлашган Янги обод посёлкасида янги хабар тарқалди. Мактабдан уйга қайтаётган болалар колхозчиларнинг эшиги тагига келиб: «Клубга боринглар, Абдумалик ака келибди»,—деб қичқирар эдилар.

Кечкурун икки четида қаторқатор тераклар қад кўтарган кўчалардан кекса ва ёш колхозчилар, йигит ва қизлар клуб томон йўл олдилар.

Абдумалик ака мана шу қишлоқнинг фарзанди. У Низомий номидаги Тошкент Давлат Педагогика институтининг КПСС тарихи кафедрасини бошқаради, тарих фанлари кандидати Абдумалик Раззоқовни қишлоқда каттадан кичик ҳамма танийди. Олим институтда ишлаши билан бирга тез-тез ўз қишлоғига келиб туради, беш йиллик план халқаро аҳвол ҳақида суҳбатлар ўтказади.

Бугун Абдумалик Раззоқов КПСС Марказий Комитети октябрь Пленуми қарорларини синчиклаб кўздан кечириб чиқди. Аҳоли фаровонлигини янада юксалтиришга қаратилган қарорларни синчиклаб ўрганди. У мана шу ҳақда деҳқонларга гапириб бермоқчи.

Абдумалик лекциядан илгари колхоз раиси Мирахмад Қўчқоров билан узоқ суҳбатлашди. Улар болаликдан бирга ўсишган. Колхоз раиси унга бу ердаги янгиликлар, колхозчиларнинг фаровонлигини юксалтиришга қаратилган тадбирлар ҳақида гапириб берди.

Абдумалик колхозчилар билан суҳбатда улар ҳақида алоҳида тўхталиб ўтди. У совет кишиларининг ажойиб фазилатлари, дўстлиги ҳақида гапирди. Абдумалик бу ҳақда ҳар қанча ҳаяжонланиб сўзласа арзийди. У болалигида етим қолган. Лекин қўшни аёллар унинг онасиз эканлигини билдиришмаган. Отаси эса Улуғ Ватан уруши йилларида тўрт етим боланинг бошини силаган. Булар рус, украин, яхудий болалари эди. Абдумалиқнинг ўзи ҳам улар билан бир нонни бўлишиб еган.

Абдумалик Тошкентга келиб, университетда ўқир экан, рус ва арман оилаларида яшаган, улар йигитни ўз фарзандлари каби қабул қилишган. Абдумалик буни ҳеч қачон унутмайди.

«Тошкент зилзиласи пайтида эса совет халқларининг дўстлиги янада аниқ кўринди»,—деди Абдумалик Раззоқов ва шундан кейин охиридан.

Бу кунги лекция одатдан ташқари бўлди. Абдумалик лекциясини тугатгандан кейин колхознинг мўйсафиди Неъматқул Бекмуродов Абдумаликнинг ҳаёти ҳақида гапириб берди. У Абдумаликнинг отаси ва онасини яхши танир эди. Улар пайти келиб ўз фарзандларининг олим бўлиб етишишини билмаган эдилар. Абдумалик чуқур билими туфайли халқ ўртасида катта обрў қозонди. 1921 — 1924 йилларда Туркистонда пахта мустақиллиги учун кураш мавзусида кандидатлик ишини ҳимоя қилди.

Абдумалик Раззоқов ҳали аспирантлик пайтидаёқ маҳаллаларда, завод ётоқхоналарида турли мавзуларда лекция ва суҳбатлар ўтказиб турарди. Уша пайтданоқ йигитнинг яхши пропагандистик хислати кўзга ташлана бошлади. У қайси мавзуда суҳбат ўтказмасин, тингловчиларнинг қалбига йўл топабилар, уларнинг эътиборини қозонар эди.

1955 йили Раззоқов Тошкент Давлат университетининг тарих факультетида катта ўқитувчи сифатида дарс бера бошлади. У кўп қаторн студентлар ўртасида ҳам ҳурмат қозонди. Уларнинг илмий жамиятида актив иштирок этди. Университет газетасини чиқаришда кўмаклаша бошлади.

Ушандан буён ёш олим Тошкент область «Билим» жамиятининг жамоат-сиёсий секциясида актив қатнаша бошлади. У шу кунгача бу секция ишига ҳақиқат ёрдам бермоқда.

Абдумалик Раззоқов Узбекистон Коммунистик Партияси тарихининг бир бобини ёзди, газета ва журналларда ўнларча пропагандистик мақолалар билан чиқди. Шу кунларда у В. И. Ленин туғилган кунининг 100 йиллиги олдидан бошланган лекторлик-пропаганда ишларида жонбозлик билан қатнашмоқда.

Ўтган йили «Билим» жамияти активлари коллективи Ленин мавзуидаги лекция, доклад ва суҳбатларнинг тематикасини ишлаб чиққан эди. Олим шу мавзудаги кўплаб брошюраларга муҳаррирлик қилди. Шунингдек, «Ленин — буюк ва оддий одам», «Узбекистонда ленинча миллий сиёсатнинг тантанаси» деган мавзуларда лекция тайёрлади.

Шуниси муҳимки, Абдумалик Раззоқов пропагандининг янгидан-янги мавзуларини излайди. Олим «Тошкент» совхозида «Ленин ҳамиша биз билан», Ҳ. Турсунқулов номидаги колхозда «Ленин коммунистик партия ва Совет давлатининг асосчиси» «1-Октябрь» совхозида «Ленинчасига яшаймиз ва ишлаймиз» деган мавзуларда тематик кечалар ўтказишда иштирок этди.

Истеъдодли олим ва пропагандист шундай кечаларни ўтказишга фақат ҳамкасбларининга эмас, ёзувчи ва шоирлар, санъат арбобларини ҳам жалб қилмоқда. Абдумалик Раззоқов В. И. Ленин билан шахсан учрашган кекса коммунистлар билан, инқилоб ветеранлари билан мунтазам учрашиб туради, суҳбатлашади ва улардан қимматли материаллар олади.

— Ўғлим,—дейди олим ва пропагандистнинг отаси Раззоқ ота.—халқ сени шунчалик ҳурматлар экан, сен уларнинг ишончига яраша хизмат қил.

Абдумалик Раззоқов отасининг ишончини оқламоқда. У В. И. Ленин туғилган кунининг 100 йиллиги тантанасигача ўзининг докторлик диссертациясини тугаллаш ниятида.

Ж. МЎМИНОВ.

• 16 март—маҳаллий Советларга сайловлар куни

АГИТПУНКТ ЧИРОҚЛАРИ

Яқинда Октябрь районидаги Меҳнат Қизил байроқ орденли 24-мактаб қошида ташкил этилган агитпунктда пропагандист ва агитаторларнинг йиғилиши бўлиб ўтди. Йиғилишда район ўқитувчилари ва «Қўштут», «Сурьат» маҳаллаларининг активлари ҳам қатнашди.

Биринчи бўлиб сўзга чиққан мактаб директори Карим Расулев агитаторларнинг сайлов олди вазифалари ҳақида гапирди. Агитпункт мудири ўринбосари Қосим ака Мирсобитов йиғилиш қатнашчиларини агитация пунктининг ойлик иш плани билан таништирди. «Қўштут» маҳалла комитетининг раиси Қаюм Мансуров ўтган сайловдан буён қилинган ишлар тўғрисида тўхталди. «Ўтган давр мобайнида маҳаллаларимизда кўп ўзгаришлар бўлди, — деди у.—янги оилалар барпо бўлди. Бу агитаторларимиздан жуда пухталик ва тадбиркорлик билан иш олиб боришни талаб этади. Сайловчилар аниқ рўйхатга олиниши лозим. Сайловчилар қанчалик пухта ҳисобга олинса, сайлов пайтида қийинчилик бўлмайди».

Йиғилишдан сўнг агитатор Жўрахон Ғуломова, Ўлмасхон Зоирова, Муяссархон Бадалова, Қодир Хожиев ва Ғафуржон Азимов ўртоқлар сайловчилар рўйхатини тузиш ҳамда совет фан-техникасининг мисли-сиз ютуқлари ҳақида ҳикоя қилиш учун хонадонларга йўл олдилар.

Шу кунларда агитпункт чироқлари туни билан ўчмаётир. Шинам жиҳозланган бу қутлуғ даргоҳ сайловчилар билан гавжум. Улар турли мавзуларда суҳбатлашадилар. Бу ерда марказий ва маҳаллий газета-журналларнинг янги сонлари билан танишадилар. Телевизор, радио, магнитофон хизматидан баҳраманд бўладилар.

Ҳ. НЎЛДОШЕВ.



24-мактаб пропагандистлари сайлов олдидан қилинадиган ишлар ҳақида маслаҳатлашиб олишмоқда.

СУРАТДА (чапдан): партия ташкилоти секретарининг ёрдамчиси Ҳ. Нўлдошев, партия ташкилоти секретари З. Ҳамидхўжаева, мактаб директори К. Расулев, агитпункт мудири М. Мирсобитов, ҳамда Ўзбекистон ССР Олий Советининг депутати, пропагандист М. Назарова ўртоқлар. Ф. Обидхўжаев фотоси.



Бригадир Тайёрнинг СИГНАЛ хўноб

Бригадир Йўлдош Абдуллаев бугун яна хуноб. Ахир ўзингиз бир ўйлаб кўринг-а, шундай катта бир қурилиш объектида қанчадан-қанча уюм-уюм бўлиб ётган пишиқ ғиштлардан бирортаси янги тикланаётган ишчи-ёшлар мактаби биноси бурчакларини бажирим қилиб чиқаришга ярамаса, бундай вақтда киши қаттиқ ранжийдида, албатта.

Келтирилган ғиштларнинг ҳаммаси узун ёки кенг. 4,5-ғишт заводининг коллективи наҳотки бир қолипда ғишт чиқаролмаса? Афсус бинонинг кўркини шу ғишт кўрсатишини завод ишчилари унутиб қўйган бўлсалар.

Бригадир ана шу ҳақда ўйлаб экан ҳамкасби Турғун Раҳимов унинг ҳаёлини бўлди:

— Салом уста, жуда жиддий кўринасиз.

— Саломат бўлинг, ука, хўш йигитларингизнинг ишлари қалай?

— Мақташга арзимайди. Иккинчи қават устунларига опалубка тайёрлаш учун тахта йўқ. Шу масалада бизга ёрдам берсангиз, деб маслаҳатга келдим. Йигитларимиз бекор қолишди.

Йўлдош аканинг пешонасига совуқ тер югурди.

— Бу қанақаси ахир? Иш шу зайлда кетаверса, қурилиш ишлари қачон ниҳоясига етади. Бинони февраль ойида пардозчиларга топшириш ваъда берган коллективнинг сўзи ерда қоладими?

Бригада бошлиғи Абдуллаев кескин бурилди-да объект яқинидаги телефон будкаси томон шаҳдам юрди.

— Алло, бу қурилиш бошқармасими? Менга бошлиқни беринг!

Трубкани бошқарма бошлиғининг ўринбосари Лев Борисович олди:

— Эшитаман, ўртоқ Абдуллаев... Яна цемент масаласидами? Цемент боради, кутиб туринглар. Ишчилар тарқаб кетишмасин.

— Цемент эмас, бизга тахта керак, тахта. Ахир мен бу ҳақда бир неча кундан бери илтимос қиляпманку.

— Тахтангиз нимаси? Ҳозирча цемент ишлатиб туринг. Тахта масаласи жуда чатоқ. Тахта—анқонинг уруғи бўлиб турибди.

Дарҳақиқат, Собир Раҳимов кўчасида тикланаётган уч қаватли ишчи-ёшлар мактаби биноси қурилишида ишлар ўлда-жўлда бормоқда. Бинони тиклаётган 159-трест 13-қурилиш бошқармасининг Йўлдош Абдуллаев бошлиқ комплекс бригада аъзолари материал танқислиги сабабли ўзларининг қимматли вақтларини беҳуда ўтказмоқдалар.

Бригадир И. Абдуллаев объектда ишни қизитиб юбориш учун бутун куч ва ғайратини ишга солмоқда. Лекин бошқарма раҳбарлари объект учун лозим бўлган қурилиш материалларини бинокорларга узлуксиз етказиб беролмаётир. Натижада мактаб биносини ўз вақтида пардозчиларга топшириш хавф остида турибди.

Шу билан бирга бригада аъзолари орасида ҳам ўз ишига бефарқ қарайдиган қурувчилар йўқ эмас. Улар ишга кеч келадилар, хўжакўрсинга ишлаб иш вақтида спиртли ичимликлар истеъмол қиладилар, бекор ўтирадилар.

Мактаб қурилишида жиддий бурилиш ясаш лозим, 159-трест раҳбарлари ўз кўл остиларидаги бригада ишини пухта ўрганиб, унга шошилинч чоралар кўрмасалар, янги мактаб биносини вақтида фойдаланишга топшириш амримаҳолдир.

Ф. АБДУРАҲИМОВ.

СУРЪАТ ТЕЗ

159-трест, 10-қурилиш бошқармасига қарашли А. Йўлдошев бошлиқ бригада аъзолари ҳозир «Металлобаза» объекти қурилишида ишлашмоқда. Объектда қурилиш ишлари графикда белгиланганидан анча тез суръатлар билан бормоқда. Бригадани ёш қурувчилардан А. Халилов, А. Сотиволдиев, А. Муҳсимов ва А. Абубакировлар алоҳида жонбозлик кўрсатишмоқда.

Анвар ака Йўлдошев ташкилотчилиги ва ташаббускорлиги учун трестнинг бир неча фахрий ёрлиқлари билан мукофотланган.

Ҳ. ИНОҒОМОВ.



Тошкент тўқимачилик комбинатидаги 2-йигирув фабрикасида уруч қилардан қилинган янги асбоб ишлаб чиқаришга жорий этилди. Шу асбоб жорий этилган участкада бир йилда 19 минг сўмлик фойда кўриш мумкин.

СУРАТЛАРДА: меҳнатни илмий ташкил этиш ижодий группаларининг аъзолари (чапдан ўнгга) цех бошлиғи Г. Эфтимиадис, меҳнат ва иш ҳақи бўлими бошлиғининг ўринбосари А. Артемьева, йигирувчи К. Содиқова, смена мастери С. Воднев ўртоқлар. Ўнгдаги суратда эса фабриканинг илғор ишчиси Надежда Кашина.

М. Глауберзон фотоси.

• Ишчи ишчи ҳақида

САХИЙ ҚЎЛЛАР

ҚИНДАГИНА бирга ўсган ва мактабдош бўлиб юришган дўстлар, ҳозир заводдаги энг илғор уч бригадани бошқаришяпти. Учаласи ҳам бир касбга ихлос қўйишди. Улар заводнинг таниқли пайвандчилари. Илгари ўзаро кураш тушиб куч синашган бўлсалар, энди ҳақиқий меҳнат вахтасида туриб беллашмоқдалар. Уларнинг чақнаб турган кўзларидан меҳрибонлик, кишиларга зўр ишонч балиқиб туради. Орзулари юксак, интилишларидан замонамиз ёшларига хос ақл-идрок, қатъийлик сезилиб туради.

Цехга киравериш даги зўр иштиёқ билан пайванд қилаётган йигит шуларнинг бири Абдулла Ортиқов бўлади. Бу бир сўзли йигит, пайвандчиларнинг энг нозик сирларигача ўрганиб олган. Шунинг учун ишидан ҳеч қачон брак чиққан эмас. Ҳозир ҳам табассумидан ўз ишидан кўнгли тўқлиги сезилиб турибди. Заводда бўлган пайвандчиларнинг ўзаро конкурсида иши яхши баҳоланиб, унга энг уста пайвандчи номи берилган.

Ихлос қўйсанг ҳунарга, турмушинг ўралар зарга, деганларидек сифатли маҳсулот ишлаб чиқаришда корхонамизнинг махсус ёрлиқларини кетма-кет олаётган ҳам шу Абдулла. У бошчилик қилаётган бригада аъзолари ҳам ўзи каби ўтюрак йигитлар. Улар мусобақада доим голиблик қилишади. Тушаётган муҳим буюртмаларни ўз вақтида сифатли тайёрлаш билан бошқаларга ўрнак бўлишмоқда.

Ҳунарни қадрлаган ҳеч қачон кам бўлмайди. Мана Абдулланинг дўсти ва мусобақадоши Мамадали Маҳкамов. Интилувчан, сергайрат, қамтар йигит. Бошлаган ташаббусининг натижасини сабрсизлик билан кутади. Яқинда у бошлик комплекс монтажчилар бригадаси ажойиб рекорд қўйишди. Илгари икки ярим смена давомида монтаж қилинадиган 48 квартирали бинонинг жиҳозлари, эндиликда бир сменада бемалол монтаж қилинадиган бўлди. Бунинг йўли жуда осон экан. Жиҳозлар монтаж қилинаётган пайтда цех бўйлаб бир жойдан иккинчи жойга кўчириб юриш ўрнига, бир жойнинг ўзида монтаж қилинса ҳам вақтдан, ҳам ишчи кучидан ютилар экан. Бу усул кўп участкаларда янги имкониятларга йўл очиб берди.

Шундан кейин завод директори келиб, Мамадалининг елкасига қоқиб, «балли азамат!» деганини ҳаммамиз эшитиб турганмиз. Чиндан ҳам унинг тўладан келган гавдасида куч-қувватдан ташқари, қандайдир кишиларни илҳомлантирувчи, уларни янги меҳнат зафарларига чорловчи хислат ҳам мавжуд. Унинг табассум аримас юзидаги дўстларга содиқлиги сезилиб туради. Бригададаги ўзаро аҳиллик эса ана шу меҳнат ютуқларига гаров бўляпти.

Меҳнат гаштини қанчалик чуқур ҳис қилсанг, ҳаёт кўзингга шунчалик гўзал кўринади, дейишади. Анвар Расимбоевнинг ҳаракатини кузатиб турган киши бу ҳақиқатга сўзсиз иқрор бўлади. 15 даража совуқда ҳам терлаб ишлаётган киши қалбидаги меҳнат гаштини бир ҳис қилиб кўринг-а?

Ҳа, Анвар дўстлари ўртасида энг тиришқоқ, энг абжир, ишда маълум тартиб-қоидага риоя қилишни яхши кўрадиганлардан. Шунинг учун ҳам унинг бригадаси меҳнат қилаётган участка доимо саранжом.

Аҳил бригада аъзолари тежамкорликда киритган таклифлари билан заводда анчагина маблағни тежаб қолдирдилар. Айниқса, монтаж ишининг қон томири ҳисобланган қисқа диаметрли трубалардан тежаб қолиниши заводга катта фойда келтирди. Илғор техникани жорий қилиш ҳисобига амалга оширилган бу янгича усул, тез орада бошқа цехларга расимбоевлар усули, деган ном билан тарқалди.

Уч дўст заводнинг монтаж цехида ҳамма вақт ёнма-ён туриб меҳнат қилишади. Кишиларнинг оғирини енгил қилишаётганларидан ўзлари ҳам қувониб кетишади. Баъзида болалик шўхликларини эслаб, қаҳ-қаҳ қулишади. Дўстларнинг ёшликдаги нозик қўллари эндиликда меҳнатда пишди. Бу саҳий қўллар яратишга, ўзгаларга қувонч улашяпти.

К. НИШОНОВ,
Санитария-техника жиҳозлари заводининг кранчиси.

ИРОДА ВА ЧИДАМ БИЛАН

Шу кунларда Чилонзор массивининг гарби-жанубига жойлашган В—21 кварталида 1-йирик панелли уйсозлик трестига қарашли 26-қурилиш бошқармасининг аъзамат бинокорлари 18 та уйни фойдаланишга топшириш арафасида туришибди.

Кварталнинг учданикки қисмини ташкил қилган бу территорияда коммунист Карим Қаюмов, Собир Тўлаганов, Петр Пак ўртоқлар бошқараётган бригадаларнинг аъзолари табиатнинг инжиқликларини кучли ирода ва чидамлилик билан енгиб, ўрнак кўрсатиб меҳнат қилишмоқда.

Бош инженер Ориф жон Исоқоқов, бу йил қурувчилар учун синов йили бўлди,— дейди.

Ҳа, шундай. Бошқарманинг К. Турсунбоев, С. Файзиев, В. Колбук, В. Акрелов ва Б. Хван каби ишчилари ҳароратнинг кескин пасайиб кетишига қарамай, кунлик топшириқларни 105-110 процент бажаришмоқда.

И. БЕКМУРОДОВ.



Тошкент экскаватор-ремонти завод и дурадгорлик цехининг ишчилари янгидан ўзлаштирилаётган массивларида меҳнат қилаётган чўлқувар механизаторлар учун 340 та ётоқ хона вагонлар тайёрлаб беришга аҳд қилганлар. Январь ойида яна шундай вагонларнинг бир қисми жўнатилди.

СУРАТДА: дурадгорлардан (чапдан ўнгга) П. Пандобский, Н. Исамуҳамедов ва В. Ивлев ўртоқлар.



Қумри Шохверанова шаҳардаги 2-тикув фабрикасининг чевар тикувчиси. Бу моҳир аёл ҳар сменада юздан ортиқ нўйлакни тикиш юзасидан бир қанча мураккаб тикиш жараёнларини бажаради.

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ
2 БЕТ. 31 ЯНВАРЬ, 1969 Й.

КОМСОМОЛНИНГ яқиндагина ярим асрлик тўйи нишонланди. Босиб ўтилган ана шу йўлга назар ташлар эканмиз, хилма-хил воқеаларга, машаққатли курашларга ва шу йўлда жон фидо қилган ёшларнинг ўлмас жасоратига дуч келамиз. Уларнинг буюкликдек ирода ларига, мардликларига таҳсинлар айтамиз.

Шундай воқеалардан бири Хоразм Халқ Республикасининг дастлабки даврларида босмачилар қўлида ваҳшийона ўлдирилган 22 комсомол ёшининг тақдири билан боғлиқдир.

Маълумки, 1920 йилнинг 2 февралида Хива хонлиги ағдарилиб, Октябрь ўзининг нурафшон қуёшини мазлум Хоразм халқига ҳам бахш этди. Улар энди озод, ўз тақдирини ўзи белгилайдиган бўлди. Шундай бир пайтда Хоразмдан инқилоб руҳи билан суғорилган икки юзга яқин ёш билим олиш учун Тошкент, Қозон ва Москва шаҳарларига жўнади. Улардан 38 нафари Амударё орқали йўлга чиққан эди. Улар йўлда босмачилар томонидан ушланиб, йигирма иккитаси ваҳшийларча ўлдирилди. Бу хабар яшин тезлигида ҳамма ерга ёйилди.

Шу воқеа муносабати билан Хоразм Коммунистик партияси ва ҳукумати номидан Хитобнома эълон қилинди. Хитобнома ўша вақтда араб алифбосида босилган бўлиб, бир нусхаси ҳозирда давлат архивида сақланмоқда.

Яқинда биз ана шу ҳужжат билан таништик. Хитобномадан айрим жойларини эътиборингизга ҳавола қиламиз: «Бу йил 200 га яқин комсомол-ёш ўқишга узатилган эди. Мазкурлардан 38 кишилик икки кема 25 августда Евмут ёпида вақтий итлар томонидан тутилиб, Хоразм йўқсулларн томонидан чиқиб инқилоб руҳи билан майдонга чиққан ишчиларимиздан 22 киши золимона суръатда ўлдирилиб, лошлари чўлга ташланиб, хотин-қизлар итлар тирноғи остига асир бўлиб тушдилар. Босмачилар орамиздан қадрли ишчиларимизни олиб, бизни йиғлатдин. Лекин улар шодланмасин. Чунки йўқсуллар ҳукуматининг асоси бунинг билан заифланмас, балки мустаҳкамланур. Биз уларга йўқсул халқнинг зарбаларн билан ўлим жавобини барақжкмиз!»

Хитобнома қуйидаги сўзлар билан тугалланади: «Рухингиз шод бўлсин, қабрингиз тинч бўлсин, сизларни абадий ёддан чиқармаймиз. Сизларнинг тутган мақсадингизни доимо яшатамиз. Бу кун сиз учун йиғласак-да, инқилобий руҳимиз ўчмас, сизни ҳақингиз бизда қолмас... Яшасин Шўролар Иттифоқи!»

Хоразмнинг кекса ю ёшн маърифат қурбонларининг номини қалбларида мангу сақламоқдалар.

А. РАҲМОНОВ,
республикада хизмат кўрсатган ўқитувчи, пенсионер.

Е. КАРИМОВ,
1930 йилдан КПСС аъзоси, Хоразм область архивининг Хива районлараро филиалининг мудири.

РЕДАКЦИЯ ПОЧТАСИДАН

УНУТИЛМАС ХОТИРА

«НОН САВДОСИ МУҲИМ МАСАЛА»

ТОШКЕНТ ОҚШОМИДА босилгандан кейин

Ана шундай сарлавҳа остида газетанинг ўтган йили 15 ноябрь сонида босилган хабарда шаҳримиздаги нон дўконлари шу кунининг талабларига жавоб бермаётганлиги, аҳолига баъзан сифатсиз нон етказиб берилаётганлиги танқид қилинган эди.

Ўзбекистон ССР Озиқ-овқат саноати министрлигидан олинган жавобда кўрсатилишича, газета танқиди тўғри деб топилган.

Оби нон етказиб беришни кўпайтириш мақсадида Октябрь районида махсус янги цех қурилмоқда. Бу цех ишга тушгач, ҳар кеча-кундузда 10 тонна ундан нон ёпиш мумкин. Шунингдек, бу йил Бешёғоч бозоридаги тандир цехи кенгайтирилади ва у ҳар кеча-кундузда 5 тонна ундан нон ёпадиган бўлади. Шунингдек 1969 йилда Ҳамза районидаги нон заводида ҳар кеча кундузда 15 тонна ундан нон ёпиладиган цех ишга туширилади. Кичик оби нон ёпиш тўрт баравар кўпайтирилади. Яқин ойлар ичида бундай нонлар яна ҳам кўпроқ ёпиладиган бўлади. Шунингдек, оби нонларнинг сифатини яхшилаш юзасидан ҳам зарур тадбирлар белгиланди. Бундан буён ёпилаётган нонларнинг сифатини яхшилаш юзасидан қаттиқ технологик назорат кучайтирилади.

Кези келганда шуни ҳам айтиш керакки, Ўзбекистон ССР автомобиль транспорти ва тош йўллар министрлиги нон ташишда кичик автомашиналар ажратишга яхши эътибор бермаётир. Бундай машиналарнинг кўпроқ ажратилиши магазинларга нон маҳсулотларини вақтида етказиб туриш имкониятини берган бўлур эди.

Сонетлар

Бу тупроқни кўплар қилдилар Ватан.
Тиз чўкди олдида назм ҳудоси.
Она сутидай оқ, пок бўлсин дебон —
Қасамдай янграган бобом дуоси.
Бобомнинг бобоси унга сиғинган.
Шу тупроқ деб ўтган етти пуштимиз.
Улғайиб, дунёни таниганда ман,
Англадим, яшолмам ушбу тупроқсиз.
Унинг шуҳратига бўлдиму ҳамдам,
Ғурурини бердим ҳар бир шеъримга.
Мени юпатса ҳам шодлик ҳамда ғам,
Сиғиниб ўтурман она еримга.
Қўкка етса бошинг, унутма зинҳор,
Оёғинг тагида она еринг бор.

***

Инсон изи бормиш Сомон йўлида.
Ҳар изи бир юлдуз бўлиб қолганмиш.
Қуёш таъзим этиб унинг олдида,
Туғилган ерига қараб олганмиш.
Дерлар, афсонавий қаҳрамон шу зот,
Ва лекин одамлар билмас кимлигин.
Тарих ҳам қилса-да, унинг номин ёд.
Билмади, ким бузган космос жимлигин.
Унга бош эгса ҳам юлдуз олами,
Космонавт номин ҳам кўрмади раво.—
Жаҳолат тахтида ҳукмрон дунё.
Биринчи космонавт ўзи эканин,
Ўзи ҳам билмасдан осуда ва жим.

«Зичи кўрогоний» тузган мунажжим!

Барот БОЙҚОБИЛОВ.

Фан оламида

ЧЎПОН ОТА — ПАЛИГОРСКИЙ КОНИ

Палигорский — магний силикати ҳисобланиб ипаксимон толали минераллдир. 15—20 минг баравар катта кўрсатадиган электрон микроскопи ёрдамида қаралса, палигорский толалари наматга ўхшаш бир-бири билан чирмашиб кетганн кўзга ташланади. Шунинг учун ҳам уни нон қазувчилар тог тариси деб атайдилар.

Палигорский минералини биринчи бўлиб планетамизда Америкада Аттапульгит тоғида топадилар ва уни ўша жой номи билан аттапульгит дейдилар. Аттапульгит — палигорский минерали АҚШда биринчи бўлиб топилганда зудлик билан транспорт йўлларн қурилди ва олтин аттапульгит тоғига «дарё» бўлиб оқа бошлади. Чунки палигорский ёрдамида нефтни тозалаш имконияти туғилган эди. У энг яхши ассорбент — оқловчи—тозаловчи омил эди. Нефть компаниясининг магнатлари у конни қазиб олиш учун сармоян аямай сарфладилар.

Совет ва чет эл олимларининг текширишларига кўра палигорскийдан халқ хўжалигининг кўпгина соҳаларида қўлланиш мумкинлиги аниқланди: жумладан палигорский пўлат ва чўян қуйишда қолип гили, лак учун қўшимчадори тайёрлашда, қишлоқ хўжалигида, суюқ ўғит тайёрлашда, нефть саноатида актив наталиэатор, оқловчи ва бошқа хусусиятларидан ишлатилиши мумкин.

Палигорскийнинг энг қимматли ва алмаштириб бўлмайдиган хоссаларидан бири шуки, учдан тайёрланган лойқа эритмалар ер остидаги туз қатламларини пармалашда ҳеч вақт ювиб қолмайди ва пармалаш бурғилари нормал ҳолатда ишлайди.

Узбекистоннинг шу кунгача палигорскийга бўлган талаби Украинадаги Черкасс кони ҳисобига қондирилмоқда эди. Шу туфайли Узбекистон геологлари олдида палигорскийни республикамизда топиш проблемаси кўндаланг бўлди.

1963 йили Самарқанд яқинидаги Чўпон ота тепалигида Самарқанд Давлат университети профессори В. И.Ездаков галлуазит минерали топади ва уни текширишни Узбекистон Геология министрлигига таклиф этади. Галлуазит ҳар тарафлама ўрганилди ва унинг қимматбаҳо хом ашё—палигорский эканлиги аниқланди. Сўнг бу СССРда иккинчи бўлиб топилган кон «Самарқандгеология» трести томонидан разведка қилинди. Қатламлаб намуналар олинди. Қувур ва қудуқ шурфлар қазилди. Химиявий ва минералогик таркиблари ўрганилди. Натижада Чўпон ота кони граждан лик ҳуқуқини олди. Энди Узбекистон Геология министрлиги томонидан унинг запаслари тез кунда аниқланиб, кон маҳсулот бера бошлайди. Шунда Чернасскидан келтирилаётган палигорскни яларга сарфланаётган давлат маблағлари тежалади ва у маҳаллий палигорский билан алмаштирилган бўлади.

М. ЗОКИРОВ,
геология ва минералогия фанлари кандидати.





СУРАТДА: Пушкин кўчасининг бугунги кўриниши.

Р. Абдураҳмонов фотоси.

«Узбекистон» нашриёти кўхна Самарқандининг 2500 йиллигига атаб ранг-баранг бўёқлардаги плакатларни ишлаб чиқармоқда.

СУРАТДА: Тошкент офсет фабрикасининг матбаа цехи. Цех бошлиғи Лутфилла Аҳмедов ва мастер Толиб Расулов босмадан чиққан плакатларнинг сифатини текширишмоқда.

И. Глауберзон ва В. Сиротнин фотоси.

Китоблар оламида

ПОЛЬША БИЛАН УЧРАШУВ

Яқинда «Узбекистон» нашриёти поляк саёҳатчиси Л. Оникимовский, Д. Кабельскийларнинг «Польша билан учрашув» номли китобини нашр этди.

Китобда мамлакат тарихи, унинг ҳозирги кундаги аҳволи, халқ хўжалигининг турли соҳаларидаги муваффақиятлари, гўзал ва хушманзара жойлари ҳақида ҳикоя қилинади. Узбекистон ва Польша Халқ Республикасининг дўстона алоқалари ҳақида фикр юритилади.

Шунингдек, мамлакатнинг йирик шаҳарлари тўғрисида қисқача тасаввур берилади.

КАМТАРИНЛИК ОЛИЖАНОБ ФАЗИЛАТ

«Ўқитувчи» нашриёти педагогика фанлари кандидати Нусратхон Валиеванинг «Камтаринлик—инсоннинг олижаноб фазилати» номли брошюрасини босмадан чиқарди. Унда доҳиймиз В. И. Ленининг қандай камтарин инсон бўлганлиги ҳақида ажойиб мисоллар келтирилган.

«Ҳамкорлик камтарликнинг самарасидир», «Ешларда камтаринлик фазилатларини тарбиялаш» ва «Камтаринлик—инсоннинг энг олижаноб фазилати» бобларида ҳам кўпгина фойдали фикрлар баён қилинган.

Р. ТИЛЛАЕВ.

САНЪАТКОР ХОТИРАЛАРИ

Яқинда Ғафур Ғулом номидаги Бадиий адабиёт нашриёти СССР халқ артистказси, Давлат ва Ҳамза мукофотларининг лауреати Ҳалима Носированнинг «Мен ўзбек қизиман» деб аталган эсдаликлар китобини ўқувчиларга тақдим этди.

Китобда артисткаиинг болаликда бошидан кечирган оғир дамлари, артист бўлиш мштиёқида қанчадан-қанча қийинчиликларни бошидан кечирганн, ниҳоят Улуғ Октябрь социалистик революциясининг дастлабки йилларида устозлик қилган санъаткорлар Уста Олим Комилов, Муҳиддин Қориёқубов, Тамарахоним, Боборахим Мирзаев ва Тўхтасин Жалиловлар устида сўз юритилади.

Эсдаликлар жуда кўп тарихий фактларга бой бўлиб, бир неча фотосуратлар билан безатилган.

ҲАВАСКОРЛАР АНСАМБЛИ

Саҳнада рақсга тушаётган тўрт қиз доираниг якуловчи зарби билан тўхтади. Орқароқда ўтирган созандалар ўриндиқларидан туриб, кетишга ҳозирландилар.

— Буларнинг ўрнига бошқалари келишади, чунки бу қора кўзлар кечки сменага ишга борадилар,— деди ансамблнинг музика раҳбари Ш. Жонайдаров, бизнинг ҳайрон бўлиб турганимизни кўриб.

Кетганлар ўрнини бир зумда бошқалари эгаллашди. Музика янграши билан раққосалар дилрабо ўйинини бошлаб юбордилар.

Бу ўйинларни «Восток» («Шарқ») клуби қошидаги ўзбек ашула ва рақс ансамблининг рақс муаллимаси К. А. Голетко саҳнага қўйган. У ансамблдаги ҳар бир ижрочини жон-дилдан севади, ўз билимини улар билан ўртоқлашади. Муаллиманинг самарали меҳнати туфайли шу ансамблга янги келган Н. Костина ҳам ўзбек рақсларини ажойиб жилвалар билан ижро этадиган бўлиб қолди.

Ҳозирги кунларда бу коллектив В. И. Ленининг 100 йиллик тўйи муносабати билан ўз репертуарларини қайта кўриб чиқмоқда, янги асарлар билан бойитмоқда. Доҳий юбилейига муносиб туҳфа тайёрлаш учун изланмоқда. Изланиш яхши самара бермоқда. Ф. Хонбобоеванинг ижросидаги «Ким ўзи», «Гал ёрим», Ф. Ниёзов ижросидаги «Қиз қўшиғи», «Ўрик гуллаганда», З. Оқмирзаев ижросидаги «Диёр қўшиғи», «Оқ кабутар», Б. Сайрамов ижросидаги «Уялмасиз», «Гулнор», «Қўшни қиз» қўшиқлари ана шу самарали меҳнатнинг ялк маҳсулидир.

Ҳаваскорлар ўдаан ташкил топган ансамбль коллективи ёш бўлишига қарамай, шаҳримиз томошабинларига анчагина таниш бўлиб қолди. Бу коллективдаги ёш созанда ва хонандаларнинг маҳоратлари зангори экран орқали бир неча марта намойиш қилинди. Шунингдек улар «Старт» стадионида ва бошқа бир қанча жойларда томоша кўрсатиб, шинавандалар диққатини ўзларига жалб қилдилар.

Айниқса Г. Мирсоатова, Раъно Мавлонова, Раъно Меҳмонова ҳамда Фотима ва Зуҳра Йўлдошевалар ижро этган «Танобар», «Гулноз», «Уйғурча», «Бенголча», «Туркманча» рақслари ва чангчи М. Тешабоевнинг, рубобчи Ш. Абдураҳмонови н и г, ғижжакчи З. Солиҳовнинг, доирачи М. Тошмуҳамедовларнинг ижросидаги дилрабо куйлар кишининг дилини ром қилади, завқ бағишлайди.

Ёш талантларнинг серзавқ давраси янада равнақ топиб элга манзур бўлишига тилакдошмиз.

К. ХИДИРОВ,
Узбекистон касаба союзлари республика бадиий ҳаваскорлар уйининг бош методисти.

ЧЕТ ЭЛЛАРДА

ЧЕТ ЭЛЛАРДА ФАН ВА ТЕХНИКА

ДИЛОЙ

Чет эллардаги фирмалардан бирида дилой деган янги материал яратилди. Керамика ва пластик массаларнинг мужассамлаштирилганидан ҳосил бўлган бу бирикма ҳар икки модда хоссаларини ўзида бириктиради. Тўлдирувчи моддалар сифатида каолин лойлари кальций карбонат, асбест ва бошқалар ишлатилиши мумкин. Дилой яхши эгилади, ёрилмаслик хусусиятига эгадир.

АЖОЙИБ ФЕРМЕНТ

Женева университети профессори Солсер ўз тузилиши ва хоссалари жиҳатидан табиий ферментларга яқин бўлган лизоцимни синтез қилди. Синтетик фермент инсон ва хайвонларда учровчи баъзи бир оғир касалликларни даволашда қўлланиши мумкинлиги аниқланилди.

ПЛАСТМАССАДАН ЗАМБАРАК

Қўшма Штатларда ойна пластикдан ишланган замбарак синовдан ўтказилди. 81 миллиметрли замбарак стволи ҳосил бўлган 35 тонналик босим ва уч ярим минг даража иссиқликка бардош берди.

Руминияда саноат телевидениеси

БУХАРЕСТ. Руминия-даги Брашов автомобиль заводида саноат телевидениесининг янги станцияси ишга туширилди. Асосий цехларда ва конвейерларда 12 та суратга олиш телевизион камераси ўрнатилган. Шу камералар ёрдамида корхона раҳбарлари ана шу участкаларнинг ҳар биридаги ишнинг аҳволидан ҳамиша хабардор бўлиб турадилар ва конвейерларнинг ишида бирон нуқсон рўй бериб қолган тақдирда дарҳол бунинг чорасини кўрадилар.

Станцияда ўрнатилган қурилма конвейер тўхтаб қолган тақдирда бошқарув пультига автомат тарзда сигнал беради.

Руминияда саноат телевидениеси саноатга, фанга ва ўқитиш жараёнига тобора кенг жорий этилмоқда. Ундан корхоналарнинг, тадқиқот институтларининг, касалхоналарнинг ишида, олий ўқув юртларидаги студентларнинг амалий машғулотларида фойдаланилмоқда.

(ТАСС).



Қаҳратон қиш Мўғулистон Халқ Республикасида ҳам чорвадорлар учун улкан синовлар даври.

СУРАТДА: Голбналтай аймоқлик чўпон Л. Шагдар отарларни қишки яйловларга ҳайдамоқда.

В. Мастюков фотоси, (ТАСС фотохроникаси).

ГРИППДАН АСОРАТИ ЁМОН

Бепарволик — саломатлик душмани

Профессор Шабод ХЎЖАЕВ.

Қишанба кунларидан бири, кеч соат ўн иккн атрофида кимдир эшикни аста-секин тақиллатди. Бўсағада бир танишимнинг ўғли турарди. Совуқдан юзлари анордек қизарган, нимадандир қўрққан киши каби энтикарди. Мени кўргач, енгиллик сезгандек бироз нафасини ростлаб деди:

— Бевақт безовта қилганим учун узр, зора қўлингиз дардига шифо берса,— деб йўқладик.

Дарров йўлга чиқдим. Вақт кеч бўлишига қарамай оиладаги катта-кичик ҳамма оёқ устида. Биринг қўлида чой, иккинчиси эса қатиқ олиб келяпти.

Йиғлайвериб кўзлари қизариб, қовоқлари салқиган аёл қизининг касалини гапира бошлади.

— Кеча эрталаб қизим Ўлмас ўрнидан ранги ўчиб, хомуш бўлиб турди, баданим уюшиб, бошим оғрияпти, деди-ю, нонушта ҳам қилмай мактабга кетди. Кунинг қоқ ярмида ранги ўчиб ўқишдан келди. Иккинчи куни эса «дуруст бўлдим» деди-ю, яна мактабга кетди. Мен «шамоллаган бўлса керак» деб бепарво бўлдим, шу куни ўқишгамом бўлгач, қизимни икки дугонаси олиб келди. Юришга ҳам дармони йўқ эди. Шу бўлдию, кўрпа-тўшак қилиб ётиб қолди. Икки, уч соат ўтар-ўтмас иситма чиқиб, қалтирай бошлади, хароратинг ўлчасам 39,7. Кўзини очишга дармони йўқ, ўзини қўярга жой тополмай қўл ва оёқларининг оғригига чидай олмай, инграйди. Сизлар келишингизган икки соат олдин икки, уч мартаба кўнгли айниб қайт қилди.

Аёлнинг гапларидан бемор гриппга дучор бўлиб, оғир аҳволга тушиб қолгани кўриниб турарди. Касалликка қарши тадбирларни кўриш учун бемор ўқтин-ўқтин терлай бошлайди, томоғи оғриб. кўкракда оғрик пайдо бўлади. Кўзи ёшланиб, кўз соққаларида оғрик бўлади. Бош оғриши кучаяди, кўнгил айниб, қайт қилиш каби белгилар қисқа вақт ичида беморнинг куч-қувватини олиб, дармонсизлантиради. Дармонсизлик баданнинг ўқтин-ўқтин увушиб туришн, бўгинларда оғрик давом этиши, ҳарорат нормал даражага тушгандан сўнг ҳам беш, етти кунгача давом этиши мумкин.

Шуни ҳам айтиб ўтиш керакки, грипп касаллиги айниқса ёш болаларда, ёши улғайиб қолган кишилар. эмизикли ва ҳомиладор аёлларда оғирроқ давом этиб. касалликнинг биринчи кунларидаёқ оғир аволга солиб қўяди. Шунинг билан бирга грипп бутун организм фаолиятига таъсири туфайли ўтмишда кечирган дардларни янгитдан қўзғайди, келажакда бошқа касалликларнинг келиб чиқиши учун замин тайёрлайди. Ундан ташқари грипп билан бир маротаба бетоб бўлган киши, иккинчи марта ҳам касал бўлиши мумкин.

Модомики шундай экан, аввало касалликдан сақланиш тадбирларини кўриш керак. Ҳар бир киши гриппга дучор бўлиб қолган бўлса, бу дард оёқ устида ўтказадиган касаллик демай, тегишли ёрдамдан фойдаланиши зарур. Акс ҳолда грипп касаллиги "ўпка ва ҳаво йўлларига, черв ёки томир ва юракка, кўз ёки қулоқ, буйрак ва эндокрин безларига асорат бериши мумкин. Ундай вақтларда гриппдан асорати ёмон бўлиб, ой ва йиллар давомида кишининг нормал ҳаётига путур етади. Бир хил л а р д а г р и п п д а н сўнг кўз нервлари шикастланади. у кишн икки, уч соат давомида китоб ўқигудай бўлсами, дарров бошга ва икки чакага оғрик киради, иккинчиларда эса кишилар ишлайдиган хоналарнинг ҳавоси ўзгартириб турилиши керак. Кишилар овқатланадиган жойларда қўлларни ювиш учун бутун шароит мавжуд бўлмоғи лозим. Биронта киши грипп билан оғриган бўлса, уни ишга қўймай, тезлик билан шифокорга кўрсатиш керак. Биронта оила аъзосида грипп аломатлари сезилса, унга поликлиникадан шифокор чақирмоқ зарур. Беморни албатта соғлом кишилардан ажратиб қўйиш керак. Касал киши гаплашганда, йўталганда, аксирганда оғзи-бурнини дастрўмол ёки бемор учун алоҳида ажратилган сочиқ билан бекитиши зарур. Беморга қаровчи кишилар эса докадан тикилган 4—5 қаватли боғич боғ билан оғиз-бурунларини бекитишлари керак. Уй-жойнинг ҳавосини ҳар куни уч-тўрт мартадан 0,5 процентли хлорамидга ҳўлланган латта билан артиб туриш грипп вирусларини тезликда йўқотишга ёрдам беради. Бемор ишлатган идиш-товоқлар, рўмолча ва сочиқлар алоҳида сақланиб алоҳида ювилиши ва қайнатилиши лозим. Шуни ҳам айтиб ўтиш керакки, айни шу вақтларда кишилар бир-бирлари билан учрашганларида. ўпишиб кўришиш, қўл бериб кўришиш, касалликнинг тез тарқалишига сабаб бўлади, шунинг учун ҳам қадимий даврлардан одат бўлиб келган қўлни кўксига қўйиб сўрашиш ҳар жиҳатдан мазмунли ва яхшидир.

Оналарга алоҳида мурожаат қилмоқчиманг болаларингизнинг биронтаси грипп билан оғригудек бўлса ёки тумов ҳам шамоллашга дучор бўлган бўлса, уни боғчага ёки мактабга юбормай, шу куниёқ уйга шифокор чақириб, кўрсатинг. Мураббия ва муаллимларимиз, мактаб шифокорлари ҳар куни ўқиш бошланишидан олдин болалар боғчасига, мактабга келган ҳар бир болани диққат билан кўриб, биронтаси грипп ёки тумов билан оғриган бўлса, уйларига қайтарсинлар. Бу билан бемор бўлган боланинг тез тузалишига ҳисса қўшган бўладилар, шу билан бирга соғлом болаларга гриппнинг тарқалиб кетмаслик тадбирларини кўрган бўладилар.

Савдо сотиқ дўконларида ишловчилар, ошхона ходимлари, мактаб буфетларида савдо қилувчилар, иш вақтида оғиз-бурунларига 4—5 қаватли докадан қилинган боғич боғ тутиб юришлари зарур.

Юқорида айтиб ўтилган маслаҳатларга амал қилинса, касалликка дучор бўлганда эса шифокорнинг тавсияларига мукаммал риоя қилинса, грипп касаллиги аввало кенг миқёсда тарқалмайди, касаллик эса аксарият кишиларда енгил формада асоратсиз ўтади. Бизнинг Ватанимизда беморга яхши қараш, касалликнинг кенг тарқалмаслиги учун бутун шароитлар мавжуд. Шифохоналарда етарли қулайлик яратилган, грипп касаллиги билан оғриган кишиларга шифокор маслаҳати шулардан иборат.

Агар бемор уй шароитида даволанса, унга бир кишн 3—4 кун давомида, яъни касаллик белгилари қайтиб, беморнинг аҳволи дуруст бўлгунча қараб туриши лозим. Беморнинг иситмаси тушгандан сўнг ҳам у иккн-уч кун давомида кўрпа-тўшакда ётиши лозим. Дорилардан эса бош оғригини ва бўғинлардаги оғриқларни қолдириш учун анальгин, пирамидон, фенацитин, аспирин, уйқусизликка қарши дорилар тавсия қилинади. Улардан ташқари беморга шолғом билан тоғопча солиниб тайёрланган серқатиқ хўрда ичириш, сут ва ширчой, ширгуруч, холвайтар, янги квитилган қатиқ, янги дамланган новвот солинган чой, наъматак ва туршак сувлари, лимон сувн, беҳн ва малинадан тайёрланган мурабболар тавсия қилинади.

Бемор ётган уйнинг ҳавоси кун бўйи гўрт-беш марта янгиланиши керак. Қадимий даврлардан бошлаб кенг тарқалган исириқ тутатиш расми гриппн касаллиги бор хонадонда жуда ҳам фойдалидир. Исириқ бемор учун ҳам, соғлом кишилар учун ҳам фақат наф келтиради. Унинг таъсирида кўп микроблар, шу жумладан гриппни вужудга келтирувчи вируслар касаллик чақириш қобилиятини йўқотади. Шунинг учун ҳам исириқ касалнинг олдини олишда катта аҳамиятга эга.

Кенгес СМАМУТОВ.



(ҲИКОЯ)

ҚОРАҚАЛПОҚ АДАБИЕТИ ВА САНЪАТИ ҲАФТАЛИГИ ОЛДИДАН

Оқшом кўнди. Байрамдагидек ясаниб киёнган йигит-қизлар бирин-кетин кела бошлади. Меҳмонларнинг кўпчилиги Боғдагул холага илгаридан таниш. Улар Болтабойнинг ёшлигидан бирга ўйнаб ўсган ўртоқлари, мактабдошлари эди. Ҳаммаси ҳам йигит бўлиб қолган. Катталардек салмоқли гапиради. Болалардек бегамлик билан кулмайди. Камлир енгил хўрсиниб, ажин босган юзини қўли билан силади. «Қариганингни ўзингдан ёшларни кўрганда биласан», дегани шу экан-да!

Кун бўйи эшик олдида йигит-қизларга пешвоз чиққан Болтабой энди дивандаги ўтирган эди, ичкари кириб келаётган қизга кўзи тушди-ю, ўрнидан учиб турди. Кулимсираб қизнинг пальтосини қўлидан олди-да илиб қўйди. Кейин:

— Ойи!—деди паст товуш билан—Дилбар шу!

Болтабой қизга: «саломлаш» дегандек ишора қилди. Дилбар эгилиб таъзим қилмасдан, бош ирғаб, «Саломатмисиз»—деди. Кейин меҳмонлар ўтирган хонага ўтди. Камирга унинг бу одати ёқмади. «Қўлини берса кафти куядими?—деди ўзича. Дилбар тўладан келган, кулча юзли, лаблари гилосдай, қадди қомати келишган гўзал қиз эди. Ўнг юзида тариқдай холи бор. Бўта кўзлари бодом қовоғининг тагида тинмай ўйнайди.

Меҳмонлар йиғилиши билан Азиза ҳам келди. Унинг ёши қирқлардан ошган бўлса ҳам кўринишидан қизларга ўхшайди. Кўлларига хина қўйиб, кўйлагининг ёқасини доим очиб юради. Яқинда эри Ойдўсдан ажралган. Шундан бери Боғдагул холанинг олдига тез-тез келиб туради. Ёши қирқдан ошганда бундай ҳолга тушган Азизага Боғдагул хола ачинади. Иложи борича тасалли беради. Қозон қайнатиб қуруқ қолдирмайди. Бугунги кечага ҳам ўзи таклиф қилди.

— Кел чироғим!—кулиб пешвоз чиқди хола.

— Тетикмисиз?.. Меҳмонлар келдими уже Айтмоқчи... Болтабой уйланмоқчи бўлиб юрган қизни кўрсатаман деган обешаниенгиз қани?

Кампир тезда жавоб бермади. Азиза буни анчадан бери сўраб юрарди. Боғдагул хола бундан бешолти кун аввал бўлажак келинининг исмини айтганида: «Дилба-а-ар! Қандай звучний исм! Ўзи ҳам узумнинг сувидек чиройли бўлса керак. Менга обязательно кўрсатинг!!»—деган эди.

Бундан беш олти кун аввал Боғдагул хола ўғлига «Мен қаридим, энди кўзим тириклигида келин туширсам, неварасини кўрсам армоним қолмас эди!»—деб оналик умидини билдирганида, у: «сизга лойиқ келинни меҳмон чақиргандек кўрсатаман, ойи!» деган эди. Шу айтгани ўша Дилбарми?! Хола ўғлидан шуни кутганмиди. Гулбаҳромдек одобли қизларни танлар деб умид қилганди. Энди мана... Бу замонниинг ёшларига тушуниб бўлмайди!

Танца бошланди. Майда-чуйда ишлар билан кириб-чиқиб юрган кампир ўғлидан кўз узмайди. Жуфт-жуфт бўлиб танца тушаётган ёшларга ҳайратланиб қарайди. Бу унга бемаъни туюлади. «Ҳудоё товба, кўрсатмаганинг кўп эканда».

Болтабой танцага жуда уқувсиз. Қачонлардир тангони чала-ярим ўргандида, шу билан ташлаб қўйди. Ҳозир қанча тиришмасин барибир эплайолмас, адашиб кетиб қизнинг оёғини босиб оларди.

— Пахта тиқилган қанорга ўхшайсан—деди Дилбар.—Қани ўзим олиб юрай сени?! У Болтабойнинг белидан ушлаб, ўнг қўлини ён томонга чўзиб ўйинга тушиб кетди. Куй тугаши билан йигитнинг галстугини тўғрилаб қўйди.

— Бошимга бало бўласан қалин! Гавданг катта бўлса ҳам тушунчанг кам. Сенга доим ўргатиб юриш керакми энди?!

Боғдагул хола қизнинг сўзларини ёқтирмади. Ўғлим бирон нарса дермикан деб умид қилди. Йўқ. Болтабой Дилбарнинг гапига индамай кулоқ солиб турибди.

Болтабой чекиш учун ташқари чиқиб кетди. Гулмурод Дилбарни танцага таклиф қилди. У танцага жуда чиройли тушарди. Қиз маржондек тишларини кўрсатиб кулиб қўйди. Боғдагул хола қовоғини солиб ошхонага кириб кетди.

Келгуси куни Болтабой йўлга чиқди. Уни ўртоқлари кузатиб қолишди. Йигит-қизлар перронда давра ташкил қилиб «ёмон чиғаноқ» куйига қўшилиб ашула айтишди. Бу ёқимли куйни Гулмурод ижро этди.

Паровоз гудок чалди. Ҳамма вагонларга чиқа бошлади. Дилбар Болтабойнинг йиғилган шарфини олиб, бўйнига қайтадан ўради. Билагини эгнига солиб, лабидан бўсе олди. Боғдагул хола чеккарокда турарди. Ўғли унга борганида йиғламсираб бўйнидан қучоқлади, пешонасидан чўпп-чўпп ўпди...

Бир куни кечаси (Болтабой жўнагандан кейин) коридордаги қўнғироқ жиринглади. Боғдагул хола ўрнидан учиб турдида эшикни очди. Эшикда Дилбар турарди.

[Давоми бор].

Спорт Спорт

СИНОВ УЧРАШУВИ

Футбол бўйича XXXI Совет Иттифоқи чемпионати мусобақалари бошланишига ҳали 2 ой вақт бор. Бироқ, олий лига командаларининг чарм тўп усталари айни кунларда чемпионатга қизғин тайёргарлик кўраётирлар.

«Пахтакор» командасининг футболчилари «Ташавтомаш» заводининг янги спорт залида мавсумга тайёрланмоқдалар.

Бир неча коллектив эса Қора денгиз соҳилларига келишди. Бу ердаги илиқ ҳаво футболчиларга жуда манзур бўляпти.

Ана шунинг учун ҳам бу ерда биринчи мавсум олди синов мусобақаси ўтказилди. Ленинграднинг «Зенит» футболчилари Днепропетровски и н г «Днепр» (катта тренери спорт мастери В. Лобановский) коллективи билан учрашиб 1:3 ҳисобида мағлубиятга учрадилар. Ленинградликларнинг украин футболчилари билан бўлган учрашувида «Зенит»га таклиф этилган ёш футболчилар синаб кўрилди.

«САНТОС»НИНГ МАҒЛУБИЯТИ

Конго (Киншаса) чемпиони —«Леопард» командасининг футболчилари Бразилиянинг машҳур «Сантос» командасини 3:2 ҳисобида мағлубиятга учратдилар. «Футбол подшоси» Пеле бу ўйинда 2 та жуда чиройли гол киритган бўлса-да, «Сантос» мағлубиятдан қутилолмади.

ДУРАНГ НАТИЖА

Монтевидиода ўтказилаётган халқаро мусобақада СССР Кубоги эгалари — москвалик автозаводчилар ҳам иштирок этишяпти. Бундан аввалги 2 учрашувда мағлубиятга учраган торпедочилар учинчи учрашувни Чехословакиянинг «Спартак» футболчилари билан ўтказдилар. Торпедочилар гарчи 2 тўп урган бўлсалар-да, ўйин дуранг натижа билан тугади. Гап шундаки, автозаводчилар рақибларидарвозасига ҳам, ўз дарвозаларига ҳам биттадан тўп уришган эди.

МУРАББИЙ

Лев Семёнович Хейфнинг номи республикамиз спорт жамоатчилигига яхши таниш. У, анча йиллардан буён республикамизда қадимий рус спорт турларидан бўлган шашка ўйини назариясини ва практикасини бойитиб, ривожланишига бир мунча ҳисса қўшганлардандир.

Л. С. Хейф Ўзбекистон шашка федерациясининг ташкилотчиларидан биридир. Унинг шу федерациянинг масъул нотиби сифатида республикамизда талантли ёш спортчиларни тарбиялашдаги хизмати каттадир. Л .С. Хейф рус шашкаси бўйича олти марта республикамиз чемпиони бўлган.

Лев Семёнович «Шашка сирлари» тўпламининг ҳам авторидир. Бу китобдан пионер саройлари, шашка тўгаракларида яхши қўлланма сифатида фойдаланиб келинмоқда.

Л. С. Хейф ўзининг бой тажрибасини ёшларга ўргатиб келмоқда. Унинг шогирдлари СССР спорт мастерлари С. Борухов, А. Грязнов, А. Крайзельбурд, Т. Исмоилов, А. Абашина, В. Савельева республика ва мамлакатимиз миқёсида шашка турнирларида яхши натижаларга эришмоқдалар.

Республикамизнинг спорт шинавандалари шу кунда талантли шашкачи, педагог ва тренер Л. С. Хейфнинг 60 ёшлик юбилейини ўтказмоқда.

Биз Лев Семёновичга спорт соҳасида улкан муваффақият тилаймиз.

Қ. АЗИМОВ.
1-разрядли шашкачи.



Тошкентдаги 225-мактабда физкультура ишлари яхши йўлга қўйилган. Бу ерда 5-синфдан бошлаб ўқувчилар физкультура дарсларида баскетбол билан шуғулланишади.

СУРАТДА: 5-«Б» синф ўқувчилари баскетбол билан шуғулланаётирлар.

Н. Надеждин фотоси.

Редактор
С. М. КАРОМАТОВ.

Реклама ва эълонлар

«ТАШТЕКСТИЛЬШВЕЙТОРГ»
МАХСУСЛАШТИРИЛГАН МАГАЗИНЛАРИДА
ҚИШКИ МАВСУМ УЧУН

тикувчилик буюмлари, эркак, аёл ва болаларнинг пальтолари, ватанимизда ва чет элда ишлаб чиқарилган эркак ва аёлларнинг демисезон пальтолари, ҳар хил плашчлари, костюмлари, кўйлаклари, халатлари ҳамда эркакларнинг ва болаларнинг сорочкалари, шунингдек, кенг ассортиментда бошқа моллар ҳам мавжуд. Булардан ташқари шерсть, ип-газлама, замонавий, чиройли, ранг-баранг, миллий, сидирға ва гулдор штапеллар ҳам бор.

МАГАЗИНЛАР АДРЕСИ:

№№21-«Тоҳир ва Зуҳра», 19—«Газламалар уйи», 18—Октябрь бозори;
№№ 10, 20, 13, 49, 50—Олой бозори;
№№ 1, 2—Ш. Руставели кўчаси;
№ 7—Бируний майдони, Олмазор кўчаси, 169 уй;
№ 8—7«б» сектори, Муқимий кўчаси;
№№ 15, 64—Киров кўчаси;
№№ 36, 47—Новомосковский кўчаси;
№ 39—4-турар жой шаҳарчаси, Черемушки кўчаси, 22 уй;
№№ 55, 56—«Октябрь» ва «XXI партсъезд» колхозларининг турар жой массивлари;
№ 12—Навоий кўчаси, 18 уй;
№ 30—Авиагородок, 1 уй.

Бир вақтнинг ўзида харидорларга маълум қиламизки:
№ 1—Ш. Руставели кўчаси; 13 уй;
№ 7—Бируний майдони;
№ 21—Октябрь базори;
№ 12—Навоий кўчаси, 18 уй;
№ 74—Госпиталь бозоридаги магазинларида

Эркакларнинг 100 сўм ва ундан юқори нархдаги пальто ва костюмлари кредитга сотилмоқда.

«ТАШТЕКСТИЛЬШВЕЙТОРГ» МАГАЗИНЛАРИГА МАРҲАМАТ ҚИЛИНГ!

1969
26 XII

Радио

31 январь
ЖУМА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

18.00 «Лиги сайлов округлари» (ўзбекча). 18.10 Республика композиторларининг романслари. 19.20 «Қўшиқ бўйлаб шоирлар». И. Қодир ва З. Жавтобели (татарча) 20.00 «Ўзбекистан индустриальний» радиожурнали. 20.30 Саноат ходимлари учун концерт (русча). 21.00 Халқаро мавзуларда суҳбат (ўзбекча). 21.10 Концерт. 21.40 Сиёсий билимлар радиоуниверситети. Иқтисод фанлари кандидати Ф. Бекқулбекованинг «Империализм — капитализмнинг сўнгги босқичи» деган суҳбати (ўзбекча). 22.20 Севги сатрлари (ўзбекча). 22.40 Ўзбекистон бўзувчиларининг янги асарлари. Мирмуҳсин. «УМИД» романидан парча (ўзбекча). 22.15 Дам олиш концерти.

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

19.00 Ўрта Осиё республикалари халқларининг куйлари. 19.30 Юрий Симонов дирижёрлигида. 20.00 Тожикистон ССР халқ артисти Барно Исҳоқова куйлайди. 20.30 Ўзбек Давлат филармонияси хор келелласининг концерти. 20.50 «Колхоз ҳисобидан стипендия олаётганлар» деган очерк (русча). 21.00 ҚОРАҚАЛПОҚ АДАБИЕТИ ВА САНЪАТИ ҲАФТАЛИГИ. Микрофон олдида — қорақалпоқ шоирлари (ўзбекча). 21.40 Москва. Миллионлар ленинча университети.

1 февраль
ШАНБА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

6.15 Тонгги концерт. 8.25 Ўзбек халқ куйлари. 9.30 Чангда чаниадиган пьесалар. 10.10 «Гулшан» радиожурнали. 11.15 Г. Свиридов. «Курск қўшиқлари». 11.35 В. И. Ленин ҳақида қўшиқлар (ўзбекча). 12.15 Радио эшитувчиларнинг талабларига мувофиқ концерт (ўзбекча). 13.30 Лирик куйлар ва қўшиқлар русча). 15.10 «Правда» газетасининг обзори. 15.20 «Фан ва турмуш» радиожурнали. 15.40 Концерт (ўзбекча). 16.10 Эстрада концерти (ўзбекча). 17.20 Уйғур куйлари. 17.50 «Идеология ва ҳаёт» деган эшиттириш (ўзбекча).

18.00 Ўзбек Давлат филармонияси артистларининг концерти. 18.40 Спорт эшиттириши (ўзбекча). 19.20 «Сайловчиларнинг талабларига мувофиқ концерт (ўзбекча). 20.00 «ЛЕНИННОМА» программаси (ўзбекча). 20.30 Қўшиқлар ва рақслар (ўзбекча). 21.00 «Социалистик мамлакатларда» деган эшиттириш (ўзбекча). 21.10 Қишлоқ механизаторлари учун концерт (ўзбекча). 22.20 «Шанба оқшомида» деган концерт (ўзбекча). 23.10 «Кувончторлари, янгранг!» деган музикали эшиттириш (ўзбекча).

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

8.25 Таниқли ижрочилар концерти. 9.15 Спорт эшиттириши (русча). 9.30 Концерт (русча). 19.00 Ҳажвий ҳикоялар (ўзбекча). 19.30 «Китоб токчаси» циклидан (русча). 20.00 «Сиз ёқтирган овозлар» деган концерт (тожикча). 20.30 Озарбайжон куйлари. 20.50 Самарқанд Давлат университетининг ректори, профессор В. А. Абдуллаевнинг «Университет ва фан» деган суҳбати (русча). 21.00 Рақслар 21.40 «Ленин яшаган ва ишлаган жойларда» деган суҳбат (татарча).

УЧИНЧИ ПРОГРАММА

13.00 И. Штраус. «Қўршапалак» оперettасининг монтажи. 16.00 «Гулшан» радиожурнали. Такрорий эшиттириш. 17.00 Шукуҳий ва Аскар. «Шаҳло» радиокомпозицияси.

Телевизор

1 февраль
ШАНБА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

9.55 Кўрсатишлар программаси.

Ўзбек тилида: 10.00 «Шанба нонуштадан сўнг». Музикали дам олиш программаси. 10.40 «Осмон калити». Бадиий фильм. 11.55 Кўрсатишлар программаси.

МОСКВА КЎРСАТАДИ

12.00 Гимнастика ҳамма учун. 12.45 Телевизион янгиликлар. 13.00 Музикали дам олиш программаси. 13.30 «Советлар мамлакатининг ишчилар синфи». Репортаж. 14.30 «Рақс ҳаёти». Рус халқ рақслари ҳақида эшиттириш.

ТОШКЕНТ КЎРСАТАДИ

16.55 Кўрсатишлар программаси.

Рус тилида: 17.00 Телевизион янгиликлар. 17.10 Болалар учун «Сақичфаларнинг жонланиши» Фильм-концерт.

Ўзбек тилида: 17.30 Қўғирчоқлар телевизион театри. 17.50 «Истайман». Тележурнал. 18.30 Болалар учун «Мактуб». Телефильм. 18.45 Телевизион янгиликлар. 19.00 «Совет музикаси дурдоналари». Д. Шостакович. Биринчи симфония. 19.50 Кўрсатишлар программаси.

Ўзбек тилида: 19.55 Телевизион янгиликлар 20.10 «ЛЕНИННОМА» программаси. «Петербург йиллари». Ҳужжатли фильм. 20.40 «Бякарали меҳнат — яхши даромад» 21.00 Халқ контроли экрани. 21.25 Шеърият мухлисларига. Рамз Бобожон. «Сенга севгилим». 21.40 «Буланка пансиони». Бадиий фильм. 16. ёшга тўлмаган болаларнинг кўриши тавсия этилмайди.

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

МОСКВА КЎРСАТАДИ

19.55 Кўрсатишлар программаси. 20.00 Телевизион янгиликлар. 20.15 Кичик ёшдаги ўқувчилар учун. «Юлдузча, порла!» 20.45 «Сенга, ёшлик!» 21.30 «Болтиқ бўйидаги коммунист». Телеочерк. 22.00 Композитор М. Бландер асарларидан концерт. 23.30 Янгиликлар эстафетаси. 00.15 Эфирда «Молодость». 01.15 «Спорт оламида». 01.45 «Студияда цирк». Цирк томошалари 02.45 Фақат фактлар. Кўрсатишлар программаси, об-ҳаво маълумоти. 02.55 Москва кўрсатишларининг охири.

1 февраль
ШАНБА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

9.55 Кўрсатишлар программаси.

Ўзбек тилида: 10.00 «Шанба нонуштадан сўнг». Музикали дам олиш программаси. 10.40 «Осмон калити». Бадиий фильм. 11.55 Кўрсатишлар программаси.

МОСКВА КЎРСАТАДИ

12.00 Гимнастика ҳамма учун. 12.45 Телевизион янгиликлар. 13.00 Музикали дам олиш программаси. 13.30 «Советлар мамлакатининг ишчилар синфи». Репортаж. 14.30 «Рақс ҳаёти». Рус халқ рақслари ҳақида эшиттириш.

ТОШКЕНТ КЎРСАТАДИ

16.55 Кўрсатишлар программаси.

Рус тилида: 17.00 Телевизион янгиликлар. 17.10 Болалар учун «Сақичфаларнинг жонланиши» Фильм-концерт.

Ўзбек тилида: 17.30 Қўғирчоқлар телевизион театри. 17.50 «Истайман». Тележурнал. 18.30 Болалар учун «Мактуб». Телефильм. 18.45 Телевизион янгиликлар. 19.00 «Совет музикаси дурдоналари». Д. Шостакович. Биринчи симфония. 19.50 Кўрсатишлар программаси.

Ўзбек тилида: 19.55 Телевизион янгиликлар 20.10 «ЛЕНИННОМА» программаси. «Петербург йиллари». Ҳужжатли фильм. 20.40 «Бякарали меҳнат — яхши даромад» 21.00 Халқ контроли экрани. 21.25 Шеърият мухлисларига. Рамз Бобожон. «Сенга севгилим». 21.40 «Буланка пансиони». Бадиий фильм. 16. ёшга тўлмаган болаларнинг кўриши тавсия этилмайди.

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

МОСКВА КЎРСАТАДИ

15.30 «Билим». Илмий-тушунтирув программа. 16.00 Симфоник куйлардан концерт. 16.50 «Здоровье». Илмий-оммабоп программа. 17.20 Болалар учун телевизион театр

19.00 Эфирда «Молодость»—«Горизонт».

ТОШКЕНТ КЎРСАТАДИ

Ўзбек тилида: 20.00 «Шанба нонуштадан сўнг». Музикали дам олиш программаси (такрорий эшиттириш). 20.40 Телефильм. 21.10 «Халқ талантлари». Концерт 21.45 «Бўронлар кучли». Бадиий фильм.

УЧИНЧИ ПРОГРАММА

18.00 ДУШАНБА ТЕЛЕВИДЕНИЕ СТУДИЯСИНИНГ КЎРСАТИШЛАРИ.

Кино

31 ЯНВАРДА

Тошдаги достон (1-2 сериялар) — САНЪАТ САРОЙИ (кеч соат 8 яримда), «ЧАЙКА», НАВОИЙ номли, «ВОСТОК», «МОСКВА» (кечқурун).

Оҳангжамали қутича — «ДРУЖБА» (жуфт соатларда), «ТОШКЕНТ СОВЕТИНИНГ 50 ЙИЛЛИГИ», «ЎЗБЕКИСТОН» (кечқурун).

Омад сўмоқлари — «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ», «ЎЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ» (кечқурун).

Ака-ука Карамазовлар (1-2 сериялар) — САНЪАТ САРОЙИ кеч соат 6 да).

1, 2 ФЕВРАЛДА

Тошдаги достон (1-2 сериялар) — САНЪАТ САРОЙИ (кундуз соат 2,30 ва кеч 8.30 минутда), «ЧАЙКА», НАВОИЙ номли, «МОСКВА» (кундуз ва кечқурун).

Асосий далил — «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» (кундуз соат 2, кеч 6, 8 да), «ДРУЖБА» (тоқ соатларда).

Оҳангжамали қутича — «ДРУЖБА» (жуфт соатларда), «ТОШКЕНТ СОВЕТИНИНГ 50 ЙИЛЛИГИ», «ЎЗБЕКИСТОН» (кундуз ва кечқурун).

Омад сўмоқлари — «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» (эрталаб 10, кундуз соат 12, 4 ва кеч 10 да), «ЎЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ» (кундуз ва кечқурун).

Ака-ука Карамазовлар (1,2 сериялар)— САНЪАТ САРОЙИ эрталаб 11 яримда, кеч соат 5 яримда).

Театр

НАВОИЙ НОМЛИ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРДА — 31/I да Доч Жуан, 1/II да Риголетто. 2/I да Олтин калитча (кундуз), Князь Игорь (кечқурун).

ҲАМЗА НОМЛИ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 31/I да Аяжонларим, 1/II да Қонли сароб, 2/II Бўрон қуши (кундуз), Замон драмаси (кечқурун).

МУҚИМИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — 31/I да Нурхон, 1/II да Гули сиёҳ, 2/II да Фарғона тонг отгунча.

«Ташгекстильшвейторг» коллективи савдо бош бухгалтери В. Азизовага онаси
Нисобуви
ОРИФЖОНОВАНИНГ
вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади

А. НАВОИЙ НОМЛИ КАТТА ТЕАТРИГА
театр билетларини тарқатиш бўйича вакиллар, декорация монтировкачилари (сахна ишчилари), электр билан еритувчилар, костюмерлар, ёрдамчи ишлар
КЕРАК
Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳар, Киров кўчаси 28-уй.

Октябрь район халқ маорифи бўлими, М Уйғур номли 22-ўрта мактаб педагогика коллективи шу мактабнинг тил ва адабиёт ўқитувчиси М. Орифжоновага отаси
Раҳматилла
ОРИФЖОНОВНИНГ
вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Тошкент оқшоми 4 БЕТ. 31 ЯНВАРЬ, 1969 Й.

«ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ» орган Ташкентского горкома КП Узбекистана и Ташгорсовета

БИЗНИНГ АДРЕС: Тошкент шаҳар Дзержинский кўчаси 15 уй. Редакция телефонлари. Коммутатор—33-02-49 дан 33-02-58 гача редактор ўринбосарлари 33-29-33, 33-29-09. масъул секретарлар — 33-27-22. партия совет ва касаба союз ташкилотлари шаҳар тўжалиги бўлимлари 33-29-42 адабиёт санъат ва маданият бўлими 33-29-55 хатлар ва оммавий ишлар физкультура ва спорт бўлимлари — 33-29-70. фан ва олий ўқув юртлари. иллюстрация бўлимлари 33-27-57 ахборот бўлими—33-65-57; эълонлар бўлими—33-81-42.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Бирлашган нашриётининг босмахонаси Тошкент шаҳри

Индекс 64579.

Нашр. № 2667
Р. 10935.